



Бугунгача Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидан тарих ва археологияга тегишли 140дан ошқ ёдгорликлар топилган. Бу ҳақда, «Правда Востока» газетасига асосланиб, Daryo.Uz хабар бермоқда.

Бунда Термиз давлат университети олимлари билан бир қаторда, олти йилдан бери ушбу ҳудудда изланиш олиб бораётган чехиялик мутахассисларнинг ҳам ҳиссаси катта, дейилади хабарда.

Ўрганиш объекти сифатида бронза, темир ва антик даврга тегишли ҳудуд танланган. Олимларнинг айтишича, Google Earth дастури ёрдамида Шерободнинг кўпчилик ёдгорликлари жойлашган жойлар координатаси аниқланди.

Ўзбек-чех илмий экспедицияси натижасида 93та археологик топилмалар кашф қилинди. Улар қадимий шаҳарлар, қишлоқлар, қўргонлар, ҳарбий иншоотлар, қўприқлар, масжидлар, мадрасалар, сардобалар ва бошқалардир.

Топилмалар кўчманчи қорвачилар ҳақидаги маълумотлар манбаси бўлиб хизмат қилиш билан бирга, Бактрия ва Тоҳаристон археологиясида янги илмий йўналиш очади.

Айни пайтда топилган ёдгорликлар бўйича инглиз ва ўзбек тилларида паспортлар тайёрланмоқда.

Манба: kun.uz